

**ТОВАР ОМБОРИДА ОМОНАТ САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ
ШАРТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

Абу Райхон Беруний Университети

“ Ҳуқуқшунослик ва ижтимоий- иқтисодий фанлар” кафедраси

катта ўқитувчиси

Жасурбек Оринбаев

zasurbekorinbaev@gmail.com

Аннотация: *Мазкур мақолада товар омборида омонат сақлаш шартномаси шартларини бузганлик учун тарафларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги, шартномавий ва деликт мажбуриятлари, зарарни қоплаш ва неустойка шакллари, мансабдор шахслар ва юридик шахсларнинг жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, юк топширувчи ва омонат сақловчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, шартнома мажбуриятларининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган мулкӣ ва номулкӣ зарарлар, ҳамда хавфли ашёларни сақлаш билан боғлиқ муаммолар алоҳида эътибор қаратилган ҳамда товар омборида омонат қақлаш муносабатларини такомиллаштириш учун таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, шартнома, товар омбори, омонат сақлаш, мажбурият, зарарни қоплаш, неустойка, мансабдор шахс, юридик шахс, ҳуқуқбузарлик, хавфли ашёлар, кредитор, қарздор.*

Аннотация: *В данной статье проанализированы вопросы гражданско-правовой ответственности сторон за нарушение условий договора хранения имущества на складе, договорные и деликтные обязательства, формы возмещения ущерба и штрафные санкции, а также вопросы ответственности должностных лиц и юридических лиц. Также особое внимание уделено правовым отношениям между грузоотправителем и хранителем, имущественному и неимущественному ущербу, возникающему в результате нарушения договорных обязательств, а также проблемам, связанным с хранением опасных предметов. Предложены рекомендации и меры по совершенствованию отношений хранения имущества на складе.*

Ключевые слова: *гражданско-правовая ответственность, договор, склад, хранение имущества, обязательство, возмещение ущерба, штраф, должностное лицо, юридическое лицо, правонарушение, опасные предметы, кредитор, должник.*

Abstract: *This article analyzes the civil-law liability of parties for violating the terms of a warehouse storage contract, contractual and tort obligations, forms of compensation and penalties, as well as issues of liability of officials and legal entities. Special attention is also given to the legal relations between the consignor and the warehouse keeper, property*

and non-property damages arising from breaches of contractual obligations, and problems related to the storage of hazardous items. Recommendations and proposals are presented to improve the legal framework of warehouse storage relations.

Keywords: *civil-law liability, contract, warehouse, storage of property, obligation, compensation for damages, penalty, official, legal entity, violation of law, hazardous items, creditor, debtor.*

Бугунги кунда бозор иқтисодиётида товар айланиши ва сақлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Товарлар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунга қадар омборда сақланиши керак. Шунинг учун товарларни омборда сақлаш шартлари ва ҳуқуқий асослари аҳамиятлидир. Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарувчи ва омбор соҳиблари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар омонат шартномаси орқали тартибга солинади.

Товар омборида омонат сақлаш шартномаси ўзини тарихий илдизларига эга шартнома ҳисобланади. Цивилист олим В.Р.Топилдиевнинг таъкидлашича “Омонат сақлаш шартномасига мувофиқ бир шахс (сақловчи, депозитарий) бошқа бир шахс (юк топширувчи, депонент) дан якка тартибда юк қабул қилиб олгунига ҳадар бу юкни беғараз сақлаб бериш мажбуриятини олади ва сақлаш муддати тугагач, юкни юк топширган шахсга бус-бутун бешикаст ҳолда қайтаради”. Бу шартноманинг хусусиятлари қуйидагича: Биринчидан, бу аниқ шартнома бўлиб юк топширилган заҳотиёқ мажбуриятлар юзага келади. Иккинчидан, шартнома предмети якка тартибда белгиланган ашё бўлиб сақлаш муддати тугагач мазкур ашё ўз эгаси (депонент)га қайтарилиши шарт. Учинчидан, омонат сақлаш шартномаси - беғараз шартнома бўлиб юкни сақловчи ўзига топширилган ашёни худди ҳақиқий эгасидек авайлаб сақлаши лозим. Агар мабодо эҳтиётсизлик оқибатида юк сақловчи ашёга қўполлик билан шикаст етказган ҳолда у жавобгар бўлади.¹⁴

Товар омборида омонат сақлаш шартномаси шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги уларнинг ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажармасликларидан келиб чиқади.

Фуқаролик ҳуқуқи биринчи навбатда ҳуқуқий жихатдан тенг бўлган ҳуқуқ субъектларининг мулкӣ муносабатларини тартибга солади. Ушбу ҳуқуқ институти иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқбузарликлари учун мулкӣ характердаги мажбурлов чораларини қўллаш билан бошқа юридик жавобгарлик турларидан фарқ қилади.

¹⁴ Топилдиев В.Р. "Рим ҳуқуқи." Дарслик. –Т.,“Янги авлод 2013. -259 бет

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳақида қатор ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий асослангирилган фикрлари мавжуд. Жумладан, О.С.Иоффе фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бу биринчи навбатда ҳуқуқбузарлик оқибатида содир этилган ҳаракат учун қонунда ўрнатилган санкция эканлигини билдириб ушбу санкция ўз навбатида ҳуқуқбузарга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш деб таъкидлайди. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик учун белгиланадиган санкция ҳуқуқбузарга субъектив кўринишидаги фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлишлигини ва уларга салбий оқибатларни вужудга келтиради ёхуд янги ёки қўшимча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятни юклайди деган фикрни илгари суради¹⁵.

В.П.Грибанов фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ давлатнинг мулкий характериға эға бўлган мажбурлов чораларидан бири бўлиб ҳисобланади деб таъкидлайди. В.А.Рясенцев фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни мулкий характердаги мажбурлов чораси деб уни қўллаш орқали фуқаролик -ҳуқуқий нормаларни бузган шахсға нисбатан ноқулай мулкий оқибатларни келтириб чиқаришдан иборат эканлигини таъкидлайди¹⁶.

С.Н.Братус эса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қарздор (ҳуқуқбузар) нинг мажбуриятнинг аслича бажарилишиға мажбур қилувчи давлат ёки ижтимоий мажбурлов чораси эканлигини тушунтиради. И.Б.Зокиров мажбурият юзасидан қарздор бўлган шахс уни бутунлай бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, мажбуриятни бажариш юзасидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслиги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланиб, бу ҳол мажбурият бузилганлигидан далолат беради деган фикрни таъкидлайди¹⁷.

Ф.Ю.Шодмоновнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бозор муносабатларининг бир меъёрда ривожланиб боришини таъминлайдиган, хусусий мулкий муносабатларни турғун ва барқарорлаштирадиган муҳим восита бўлишлигини таъкидлайди¹⁸.

Н.Х.Эгамбердиеванинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бу мажбуриятларни бажармаслик ёки бузиш ҳолатлари мавжуд бўлганида белгиланадиган жавобгарлик эканлигини, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни мажбуриятни бузиш атамасидан бошқа атама билан боғлаб бўлмайди. Бундай қатъий фикр фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни деярли

¹⁵О.С.Иоффе. Ответственность по советскому праву. – Ленинград: Изд-во ЛГУ. 1995. – С.9., Обязательственное право. – М.: Юрид.лит. 1975. – С.97.

¹⁶В.А.Рясенцев. Советское гражданское право. Т.1, Юрид.лит. М., 1975. 560 с. – С.515.

¹⁷Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: дарслик. 1-қисм. 4 –чи янги нашр. –Т.: 2006. ТДЮИ. 325-бет. -384 бет.

¹⁸Шодмонов. Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома муносабатларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Дисс...юридик фанлари доктори. – Т.: 2002., -268 б, 46-бет.

барча ҳолатларда мажбуриятлар натижасида вужудга келиши билан асослаш мумкин деган хулосани таъкидлайди¹⁹.

Юқорида қайд қилинган фикрларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасига нисбатан ўзига хос тартибда турлича фуқаролик-ҳуқуқий фикрлар билдирилган.

Фикримизча, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик нафақат мажбуриятларнинг бажарилмаслигида ёки уни бузиш оқибатида белгиланадиган ҳуқуқий восита, балки фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик энг аввало тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иштирокчиларининг шартнома талабларига қатъий амал қилишларини ва шартномада белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида тўғри ва сифатли бажарилишини таъминлашга кафолат берувчи ҳуқуқий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бизга маълумки фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асосини шартнома муносабатлари ташкил қилади. Унинг шартларини эса шартномада белгиланган мажбуриятлар ташкил қилади. Жумладан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асосини ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Шу сабабли юридик жавобгарликнинг умумий асоси ҳуқуқий нормаларга амал қилмаслик натижасида уларни бузиш билан вужудга келади.

Бизнинг фикримизча, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мақсади ва моҳиятида иккита асосий вазифа ётади:

биринчидан, тадбиркорлик ҳуқуқий-муносабат иштирокчиларининг қонунга бўйсунувини ўрнатиш;

иккинчидан, уларнинг фаолиятида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва унинг тарбиявий хусусиятга эга бўлган воситалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ўз навбатида иқтисодий фаолият иштирокчиларини қонунларга амал қилиш асосида ривожлантиришга ва уларга тўлиқ амал қилиш билан иқтисодий инкирозларни бартараф этишга ёрдам беради.

Маълумки юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектининг юридик жавобгарлиги фуқаролик ва маъмурий нормалар асосида тартибга солиниши белгиланган. Лекин айрим олимларнинг тадқиқотлари натижасига кўра юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги илмий-амалий тартибда асослантириб берилган.

М.Ражабова юридик шахсларнинг террористик фаолиятни молиялаштиришга қаратилган ҳаракатларида ва унга дахлдор

¹⁹ Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. –Т.: ТДЮИ, 2007. -156 бет. 8-бет

бўлганликлари аниқланиши юридик шахсинг жиноий жавобгарликка тортилишини ва унга сабаб бўлиши мумкинлигини илмий-назарий тартибда асослайди. Бунинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 17-моддасига қўшимча қилиб ушбу моддани «юридик шахсларнинг жавобгарлиги» деб номлаб уни ЖК да назарда тутилган жиноятларни юридик шахсинг топшириғига биноан ёки фойдасини кўзлаб содир этилганда жисмоний шахс билан бирга юридик жавобгарликка тортилади деган таклифни илгари суради²⁰.

Ушбу фикрлар ва таклифлар олима томонидан хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида асослантирилган. Жумладан, Франциянинг ЖКда давлатдан ташқари ҳар қандай юридик шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидалар қайд қилинган. Буларга хусусий мулк ҳуқуқи билан боғлиқ юридик шахслар, жумладан, тижорат ташкилотлари, турли ассоциациялар, фондлар, касаба уюшмалари бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик қонунда белгиланган шартларнинг мавжуд бўлиши билан вужудга келиши мумкин. Бу ҳақда С.П.Гришаев қуйидаги юридик фактларни келтиради. Жумладан, қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати туфайли кредиторда зарарнинг вужудга келишини ва шу тартибда кредиторда ҳам зарарнинг келиб чиқишида қарздорнинг қонунга хилоф ҳаракати натижасида мавжуд бўлган сабабий боғланиш, қарздорнинг айби каби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиш шартларини билдиради.

Юқорида қайд қилинган юридик фактлар тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш учун талаб қилинадиган шартлар ҳисобланади. Ушбу қайд қилинган юридик фактлар ичида қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатининг мазмунида бошқа шахсларнинг объектив ва субъектив ҳуқуқларига нисбатан зид бўлган ҳаракат тушунилади.

Маълумки ҳуқуққа хилоф ҳаракат шартномавий муносабатларда мажбуриятларнинг бажарилмаслиги оқибатида вужудга келиши мумкин. Мажбуриятларни бажаришнинг умумий қоидаси эса ФК нинг 236-моддасида қайд қилинган. Унда, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги белгиланган.

²⁰ М.А.Ражабова. Диний экстримизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари. Дисс. Юридик фанлари доктори. 12.00.08. – Т.: 2002., - 350 б. 22-бет

Қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати натижасида кредиторнинг зарар кўриши билан сабабий боғлиқлик шуни англатадики, бунда ҳуқуққа хилоф ҳаракат асосий ва бевосита сабаб бўлиб, унинг оқибатида кредиторнинг зарар кўришидаги салбий ҳолатни вужудга келтиришини билдиради.

Айбнинг жавобгарлик шарти сифатидаги кўринишида бўлишлиги шахснинг психологик муносабати билан унинг ҳуқуққа хилоф қилган ҳаракатидан иборат бўлишлигини билдиради. Шу ўринда айб қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилиши ҳам мумкин.

Эҳтиётсизлик натижасида содир этилган салбий ҳолатлар ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатини билмаган ҳолда содир этиши тушунилади. Лекин қонун бу ҳолатни ундан билиши кераклигини талаб қилади.

Ушбу эҳтиётсизлик ҳолатида содир этилган ҳаракатлар шартномавий мажбуриятларнинг бузилишида учраб туради.

М.Абдусаломов қонунчилик ҳужжатлари тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мажбуриятлар ўрнатиш билан бирга, уларнинг амалиётдаги таъсирчанлик ролини ошириш, ушбу қонун ҳужжатларда белгиланган барча мажбуриятларни бузганлик учун санкцияни ҳам белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир деб таъкидлайди²¹. Ушбу билдирилган фикрда ҳам мажбуриятни бузган шахсга нисбатан санкцияни қўллаш муҳим ва зарурий восита эканлиги қайд қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ўз навбатида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шаклларида ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик турларидан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси ФКсида жавобгарлик шаклларида келиб чиқиши билан бирга зарарни қоплаш шакли (ФКнинг 14-моддаси)да ва неустойка тўлаш шакли (ФКнинг 325-моддаси) вужудга келиши белгиланган.

Фуқаролик кодекснинг 14-моддаси 2-қисмида, зарар тушунчаси ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиниши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тартибида белгиланган.

Бугунги кунда ушбу фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шаклларида энг кўп тарқалган турларидан бири бу зарарни қоплаш шакли ҳисобланади. Бунга асос қилиб кўпгина фуқаролик ҳуқуқбузарликлар асосида етказилаётган зарарларни таъкидлаш мумкин. Ушбу жавобгарлик шакли

²¹ Абдусаломов М.Э. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари. Диссертация ю.ф.н. –Т.:2003. ТДЮИ. -147.б.

умумий аҳамиятга эга бўлиб, унинг барча фуқаролик ҳуқуқларини бузган шахсларга нисбатан агар қонун-ҳужжатларда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкинлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майида қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддасида, тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш белгиланган бўлиб, унга мувофиқ,

- тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни бу зарарни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда, шу жумладан бой берилган фойдани кўшиб қопланиши керак;

- зарар етказувчи бўлмаган шахс зиммасига қонун билан зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти юклатилиши мумкин ҳамда бошқа қоидалар белгиланган.

Б.Ибратов тадбиркор ўзга шахслар билан шартнома муносабатларида бўлар экан, фақат ўзаро тузилган шартнома шартларига ва бу муносабатни ҳуқуқий тартибга солувчи қонун-қоидаларга оғишмай риоя этишга мажбурдирлар²².

Н.Эгамбердиевнинг фикрича, зарарни қоплаш деганда, манфаати бузилган бир субъектнинг иккинчи субъект ҳисобидан қайта тиклаш тушунилади²³.

Юқорида кайд қилинган асосларда тадбиркорлик фаолияти субъектининг мажбуриятларни бажармаган тарафнинг етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда тўлашлиги ҳамда кредиторнинг олиши мумкин бўлган фойдасини лекин қарздорнинг айби билан ушбу фойдани ололмай қолганлиги яъни бой берилган фойдани етказилган зарар билан биргаликда қарздордан талаб қилиши мумкинлигини белгилайди. Шунингдек етказилган зарарни учинчи шахсдан ундириш ҳақидаги деликт жавобгарлик деликт мажбуриятдан келиб чиққан зарарни қоплатиш ҳуқуқи айбдор шахсга юклатилиши белгиланган.

Ушбу айбдорлик учун тадбиркорлик фаолияти субъектларининг шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг айби бўлган тақдирда ҳам уларга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юклатилиш мумкин.

Мансабдор шахснинг тадбиркорлик фаолияти субъектларининг шартнома мажбуриятларини бузганлиги ва унинг оқибатида тадбиркорлик

²² Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. -Т.:Молия. 2001. 13-6.

²³ Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. ТДЮИ. 2007. -156 бет. 67-6

субъектига етказган зарарни тўлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 15-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларнинг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши мумкинлиги белгиланган.

Мансабдор шахслар томонидан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги ва ундан ундириш масалалари айрим олимларнинг фикрида бирмунча бахсли эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, М.Баратовнинг фикрларида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги қонуни етказилган зарарни қоплаш мажбурияти тўғридан-тўғри мансабдор шахслар зиммасига юкланишини жорий этди. Ушбу қоида ФК га киритилган ўзгартириш бўлиб, фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатларини, уларга етказилган зарарни тўлиқ ҳолда қопланишини чеклайди. Масалан, зарар етказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига зарарни қоплаш мажбурияти юкланди. Лекин унинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки мавжуд эмас. Бундай ҳолларда жабрланувчи ўзига етказилган зарарни тўлиқ қопланишига эриша олмайди. Натижада етказилган зарарни қоплаш мансабдор шахс зиммасига юклатилади. Ушбу ҳолат мантиқий асосга эга эмас. Чунки, мансабдор шахс, давлат номидан ҳаракат қилади ва унинг ҳаракатлари натижасида мансабдор шахсга эмас, фақат давлатга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Шунинг учун ҳам бу ҳолатда жавобгарликни мансабдор шахсга юклашга доир ФКнинг 15, 990 ва 991-моддаларига киритилган ўзгартиришларни олиб ташлаш лозим деб ҳисоблаймиз.²⁴

Фикримизча, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоплаш зарар кўрувчи тарафнинг даъво аризасига биноан суднинг қарори асосида ушбу мансабдор шахснинг зиммасига юкланиши керак. Мансабдор шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик эса давлат органларининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган, улар

²⁴ Баратов. М.Х. Давлат-фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. ТДЮИ. 2005. -111 бет. 101-102-бетлар

мансабдор шахсларнинг айбидан қатъий назар суднинг қарори асосида қопланиши керак деб ҳисоблаймиз.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг таркибини белгиловчи юқорида кўриб чиққан тўртта шартларнинг бирида ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик белгиланган. Мазкур шартга кўра ФК нинг 985-моддасининг биринчи қисмида белгиланган зарар учун жавобгарликнинг умумий асосларидан келиб чиқиб муаян мансабдор шахсга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юклатилиши лозим, яъни ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

И.Б.Зокиров зарар деганда, қарздор томонидан мажбуриятнинг бутунлай ижро этилмаслиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги оқибатида кредитор томонидан қилинган харажатлар, мулкнинг йўқотилиши ёки камайиши тушунилади деб таъкидлайди²⁵. В.Р.Топилдиев мазкур фикрга қўшилган ҳолда уни янада такомиллаштириш лозимлигини таъкидлайди.²⁶ Н.Эгамбердиеванинг фикрича, зарар шартномани тузган томонлар ёки шахслар ўртасидаги бир-бири билан доимий равишда ўзаро муносабатлари натижасида баъзан уларнинг моддий ёки маънавий манфаатларига зарар етказилиши натижасида келиб чиқади деган фикрни билдиради²⁷.

Кредиторнинг мулкий зарарига мисол қилиб, ташкилот томонидан қилинган ишнинг сифатсиз бажарилишини уни тузатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ёки шартномада белгиланмаган муддатда қарздор томонидан юборилган маҳсулотни сақлаш харажатларидан келган зарарни ёхуд кредитор томонидан бошқа ташкилотларга тўланган жарималаридан иборат бўлади.

Юқорида қайд қилганимиздек фуқаролик-ҳужжатларда тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан етказилган зарарни ундиришнинг икки шаклининг мавжудлиги белгиланган:

- мулкий кўринишдаги зарар;
- бой берилган фойда.

Зарар тушунчаси нафақат мулкнинг йўқолишини ёки унинг шикастланишини билдиради балки, зарар ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий оқибатларига ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Бу борада Н.С.Малеиннинг фикри ўринлидир. Мажбуриятнинг бажарилмаслиги натижасида вужудга

²⁵ Зокиров.И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: дарслик. 1-қисм. 4 –чи янги нашр. –Т.: 2006. ТДЮИ. 328-бет. -384 бет.

²⁶ Топилдиев В.Р. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. –Т., «Yuridik adabiyotlar publish» 2022. 592 бет.

²⁷ Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. ТДЮИ. 2007. -156 бет. 68-б

келган зарар бу мулк ҳуқуқининг бузилиши бўлиб, зарарнинг пул кўринишидаги шаклида намоён бўлишини таъкидлайди²⁸.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг иккинчи шакли нустойка ҳисобланади. Нустойканинг фуқаролик-ҳуқуқий тушунчаси ФК нинг 260-моддасида қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси нустойка ҳисобланади деб белгиланган.

Фуқаролик кодексида нустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмаслиги кўрсатилган. Нустойка тўлаш ёки уни ундириш тартиб қоидалари ушбу кодекснинг 325-моддасида белгиланган, унда агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун нустойка белгиланган бўлса, зарарнинг нустойка билан қопланмаган қисми тўланиши лозимлиги кўрсатилган.

Юк топширувчи шартномада назарда тутилган ҳақни ўз вақтида тўламаса ёки товарнинг қандай хусусиятларига эга эканлигини олдиндан огоҳлантирмаса жавобгар бўлади. Агар юк топширувчи шартномада кўзда тутилган ҳақни ўз вақтида тўламаса ФКнинг 327-моддаси асосида жавобгар бўлади. Мазкур моддага кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак. Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво кўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади. Кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли унга етказилган зарар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан унга тегиши керак бўлган фоизлар суммасидан ошиб кетса, кредитор қарздордан зарарнинг бу суммадан ортиқча бўлган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли. Ушбу қоидалар юк топширувчи томонидан товарни сақлаш хизматлари учун шартномада белгиланган ҳақ тўланмаганлик ҳолатларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

²⁸ Н.С.Малеин. Имущественная ответственность хозяйственных отношений. Наука, 1968. –С.91

Таъкидлаш лозимки, юк топширувчи товар омборига сақлаш учун топшираётган товар тўғрисида барча маълумотларни бериши лозим. Агар юк топширувчи тез ёнадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўз табиатига кўра хавфли бўлган ашёларни сақлаш учун топшираётган вақтда сақловчини уларнинг хоссалари ҳақида огоҳлантирмаган бўлса, омонат сақловчи бу ашёларни кўрилган зиённи юк топширувчига тўламаган ҳолда истаган вақтда зарарсизлантириши ёки йўқ қилиб ташлаши мумкин. Юк топширувчи бундай ашёлар сақланиши муносабати билан сақловчига ва учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавоб беради.

Хавфли хоссаларга эга бўлган ашёлар сақлаш учун профессионал омонат сақловчига топширилган вақтда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қоидалар бундай ашёлар сақлаш учун нотўғри ном билан топширилган ва омонат сақловчи уларни қабул қилиб олиш чоғида сиртидан кўздан кечириш йўли билан уларнинг хавфли хоссаларга эгалигини била олмаган тақдирда қўлланади.

Ашёлар ҳақ эвазига сақланган тақдирда, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ашёларни сақлаш учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди, борди-ю, бу ҳақ тўланмаган бўлса, омонат сақловчи уни тўла-тўқис ундириб олиши мумкин.

Агар омонат сақловчи хабардор бўлгани ҳолда ва унинг розилиги билан сақлашга қабул қилинган ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ашёлар, гарчи уларни сақлаш шартларига риоя этилган бўлса-да, атрофдагилар учун ёки омонат сақловчи ёхуд учинчи шахсларнинг мол-мулки учун хавфли бўлиб қолган бўлса ҳамда вазият омонат сақловчининг юк топширувчидан уларни дарҳол олиб кетишни талаб қилишига имкон бермаса ёки юк топширувчи бу талабни бажармаса, ушбу ашёлар омонат сақловчи томонидан юк топширувчига зиённи тўламаган ҳолда зарарсизлантирилиши ёки йўқ қилиб ташланиши мумкин. Бундай ҳолларда юк топширувчи ушбу ашёларни сақлаш муносабати билан келтирилган зарар учун омонат сақловчи ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлмайди.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Топилдиев В.Р. ва бошқалар Рим ҳукуқи. Ўқув қўлланма. –Т., «Yuridik adabiyotlar publish» 2022. 204 б.
2. О.С.Иоффе. Ответственность по советскому праву. –Ленинград: Изд-во ЛГУ. 1995. – С.9., Обязательственное право. – М.: Юрид.лит. 1975 . –С.97
3. В.А.Рясенцев. Советское гражданское право. Т.1, Юрид.лит. М., 1975. 560 с. – С.515

4. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: дарслик. 1-қисм. 4 -чи янги нашр. -Т.: 2006. ТДЮИ. 325-бет. -384 б.
5. Шодмонов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома муносабатларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Дисс...юридик фанлари доктори. - Т.: 2002., -268 б, 46-бет.
6. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. -Т.: ТДЮИ, 2007. -156 бет. 8-бет.
7. Ражабова М.А. Диний экстримизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари. Дисс. Юридик фанлари доктори. 12.00.08. - Т.: 2002., - 350 б. 22-бет
8. Абдусаломов М.Э. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари. Дииссертация ю.ф.н. -Т.:2003. ТДЮИ. 78 -бет. -147б.
9. Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Т.:Молия. 2001. 13-б.
10. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. ТДЮИ. 2007. -156 бет. 67-б
11. Баратов.М.Х. Давлат-фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. ТДЮИ. 2005. -111 бет. 101-102-бетлар
12. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: дарслик. 1-қисм. 4 -чи янги нашр. -Т.: 2006. ТДЮИ. 328-бет. -384 б.
13. Топилдиев В.Р. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. -Т., «Ҳуқуқ адабиётлари» 2022. 592 б.
14. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. ТДЮИ. 2007. -156 бет. 68-б
15. Малеин Н.С. Имущественная ответственность хозяйственных отношениях. Наука, 1968. -С.91
16. Топилдиев В.Р. Замонавий технологияларни фуқаролик-ҳуқуқий фанларнинг ривожланиши ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга таъсири // “Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. -Т., 2022. 47-62 бетлар.